

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш таҳлили

Фаррух Абраев

Анализ финансирования программ социально- экономического развития регионов из местных бюджетов

Фаррух Абраев

Analysis of financing of regional socio- economic development programs from local budgets

Farrux Abraev

■ Received: May 25, 2024 ■ Revised: May 29, 2024 ■ Accepted: June 3, 2024 ■ Published Online: July 1, 2024

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини маҳаллий бюджетлардан молиялаштиришни шакллантириш, умумий, молиявий ва молиявий-ташкилий жиҳатдан ташкил этиш ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини маҳаллий бюджетлардан молиялаштиришни ташкил этиш, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назорати механизмлари ёритилган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, худуд, ижтимоий-иқтисодий дастур, назорат, молия, молиявий маблағ, бюджет, қўшимча дорамад, кичик бизнес, молиявий лойиҳа.¹

АННОТАЦИЯ: В статье рассмотрено формирование финансирования проектов социально-экономического развития регионов из местных бюджетов, общих, финансовых и финансово-организационных организаций, а также организация финансирования программ социально-экономического развития регионов из местных бюджетов, механизмы контроля финансирования за счет бюджетных средств.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: местный бюджет, территория, социально-экономическая программа, контроль, финансы, финансовые ресурсы, бюджет, дополнительные доходы, малый бизнес, финансовый проект.

¹ Муаллиф ишланмаси

Abstract: The article discusses the formation of financing for regional socio-economic development projects from local budgets, general, financial and financial-organizational organizations, as well as the organization of financing of regional socio-economic development programs from local budgets, mechanisms for controlling financing from budgetary funds.

Key words: local budget, territory, socio-economic program, control, finance, financial resources, budget, additional income, small business, financial project.

КИРИШ

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини маҳаллий бюджетлардан молиялаштиришга сарфланган маблағлар шаффофлигини таъминлаш, худудларда кичик бизнес субъектлари учун инфратузилмани яратиш бериш орқали худудда саноат ишлаб чиқаришни ошириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

«... худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас» деб таъкидланган. Мазкур давъатни ҳал этиш худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва узлуксиз молиялаштириш, сарфланган маблағлар натижадорлиги ва самарадорлигига эришиш долзарб муаммолардан биридир.

Янги Ўзбекистон шароитида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришда иқтисодиётни саноатлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда саноатлашган иқтисодиётни барпо этиш, мавжуд хом-ашё ва руесурслардан тайёр, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, аҳоли учун доимий иш ўринларини яратилиши пировардида барқарордаромад эгаси бўлишига эришиш имконини тақдим этади. Мазкур стратегик вазифа республика худудларида амалга оширилиб, натижада аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари улушининг ўсишига эришилади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш

моҳиятини ёритишни маҳаллий давлат бошқаруви органлари, улар зиммасига юклатиладиган ижтимоий-иқтисодий вазифалар, мазкур вазифаларнинг маҳаллий бюджет харажатлари билан ўзаро боғлиқлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг асосий манбаи ҳисобланган маҳаллий бюджетлар тушунчаси, улар харажатлари белгиланиши юзасидан илмий қарашлар мавжуд.

Маҳаллий иқтисодчи олим А.Ўлмасов фикрича, “Иқтисодиёт бу кишиларнинг моддий ва номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятдир”¹.

Кишилар ўз моддий ва номоддий эҳтиёжларини қондиришлари учун давлат тегишли шарт шароит яратиши лозим. Бир сўз билан айтганда, давлат фуқароларни муайян ижтимоий неъматлар билан таъминлаши талаб этади. Мазкур таъминотни амалга ошириш мақсадида давлат яратилаётган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш орқали ўз ихтиёрида марказлаштирилган пул маблағлари – бюджетни шакллантиради ва уни ишлатади. Давлат бюджети давлатнинг тузилишига кўра бўғинларга ажратилади.

Француз файласуфи Прудон² фикрига кўра, давлат харажатлари заруриятидан келиб чиқиб чекланиши, бунинг учун мезон сифатида у ёки бу давлат хизматига бўлган талаб ва мамлакатдаги фуқароларнинг зиммасига тушадиган солиқ юки инobatга олиниши керак. Унинг фикрича, давлат хизматларидан олинадиган фойда ҳар қандай ҳолатда ҳам мажбурий тартибда эмас балки бевосита ва билвосита тартибда қуйидаги моддалар кўринишида давлат кредитлари: мақсадли, мақсадсиз, реал; ахборот бериш йўллари; тоғ-конлари; док³лар, бандаргоҳлар ва бошқа; сувлар ва ўрмонлар (ушбу харажатларга захни қочириш, суғориш билан боғлиқ харажатлар ва б. киритилади); почта ва телеграф ва қурол-аслаҳа ва ўқ-дори ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар келтирилиши мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблайдилар.

1 Ўлмасов А. Иқтисодиёт (қонун-қоидалар ва тартиб тамойиллар): Оммавий қўлланма. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017. Б.9/224.

2 (фр. Pierre-Joseph Proudhon) (15.01.1809-19.01.1865). Француз сиёсатчиси, публицисти, иқтисодчиси, файласуф - мютюэлисти ва социологи бўлган.

3 Кемалар тузатиладиган корхона

4 Жан-Батист Сэй (5.01.1767-15.11.1832) – француз иқтисодчи олими, сиёсий иқтисод классик мактаби вакили.

Яна бир француз иқтисодчи олими Сэй⁴ давлат харажатларини реал ва сохта харажатларга ажратган. Унинг фикрича, молиянинг ҳолати иккинчисига нисбатан тескари муносабатда бўлади. Бироқ шубҳасиз кўрсатилган мезон давлат харажатлари хусусиятлари ва даражасини аниқлаш учун етарли эмас. Лекин, келтирилиб ўтилган кўрсаткичлар давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг асосий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқланадиган давлат харажатларининг миқдори ва аҳамиятини аниқлаш учун етарли эмас, албатта.

Маҳаллий бюджет маблағлари борасида фикр юритар эканмиз, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Буюк аллома Абдулла Авлоний “Иқтисод деб пул ва мол қадрини билмоққа айтилуру” дея таъкидлаган.

Маҳаллий бюджет харажатларининг таркиби ва унинг тузилмаси ҳақида фикр юрита туриб ўзбек иқтисодчи олимлари Т.С.Маликов ва Н.Х.Хайдаровлар шундай дейди “Бюджет харажатларининг таркиби ва унинг тузилмаси давлатнинг табиатига, у томонидан бажарилаётган функцияларга, миллий хўжаликнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳамда бюджет механизми орқали ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг баъзи бир омилларига давлатнинг таъсирчанлигини таъминлаш кабилар билан белгиланади” деб ҳисоблашадилар.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот жараёнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу харажатларга ўзгартириш киритиш ваколатини маҳаллий кенгашлар ихтиёрига ўтказиш асосида назоратни кўчатириш масалалари қиёсий фикрлаш, индукция ва дедукция ҳамда абстракция усулларидан кенг фойдаланилган.

ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Ижтимоий харажатларнинг улуши 71 фоиздан 41 фоизга камайиши билан бирга унинг таркибий қисмида ҳам республика бюджети улуши ошиши ҳисобига маҳаллий бюджетлар улуши 81 фоиздан 70 фоизга қисқарган. Ушбу йиллар давомида стратегик ва тезкор маблағ билан таъминлашни талаб этадиган харажат соҳалари республика бюджетига марказлаштирилган (ўрта махсус таълим ташкилотлари, тез тиббий ёрдам) ҳамда республика бюджетидан маблағ олувчи ижтимоий муҳим тадбирлар маблағ билан таъминланган.

Иқтисодий, экологик ва коммунал хизмат харажатлари

6 йил давомида 3,5 баровардан ошиб 2023 йилда 26 580 млрд.сўмни ташкил этган. Мазкур соҳада аҳоли пунктлари ва хўжаликлараро автомобиль йўлларини мукамал ва жорий таъмирлаш, табиатни муҳофаза қилиш харажатлари, миллий қўриқхоналарни сақлаш, чиқинди полигонларини қуриш ва уларни техника билан таъминлаш, сув таъминоти ва канализация тармоқларини ривожлантириш харажатлари ҳисобига 2017 йилда республика бюджети улуши 69 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 73 фоизни ташкил этган.

Ижтимоий харажатлар 2017-2023 йиллар давомида 3,2 баровар ошган бўлиб, юқорида айтилганидек маҳаллий бюджет улуши камайиб республика улуши кўпайган. Давлат дастурларининг катта қисмини ижтимоий соҳага оид дастурлар ташкил этиб, маблағлар асосан таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари сифатини ошириш ҳамда моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

2017-2023 йиллар давомида давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган ва хусусий мактабгача таълим муассасаларига харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизгача бўлган миқдорда республика бюджетидан субсидиялар ажратилди. 1300 дан зиёд нодавлат мактабгача таълим муассасалари учун 3,5 млрд.сўмга яқин мтжорат банкларига ресурс харажатлари, Инвестиция дастури доирасида Республика ўқув-тарбия муассасаларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, зарур ускуналар, компьютер, ўқитишнинг техник воситалари, инвентарь билан таъминлаш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш катта маблағлар ажратилди.

Олий таълим харажатларини давлат гранти улушини йилдан йилга ошиб бориши, улардаги профессор ўқитувчиларни ойлик иш ҳақи миқдорини ошиши, республиканинг турли ҳудудларида филиалларни очилиши, янги олий таълим муассасаларини очиш билан боғлиқ харажатлар таълим соҳасидаги харажатларни республика улуши ошишида асосий ўрин эгаллади.

2017-2023 йилларда Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш йўналиши соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирларни ўз ичига олади. Жумладан, биргина 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташкил этилганлиги, республика бўйлаб гемодиализ хизматини бир марта

ишлатиладиган филтрлар, сарфлаш материаллари, диализ аппаратларининг эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш орқали нефрологик сифатли хизмат кўрсатишга 165 млрд.сўм, онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш 102 млрд.сўм, юқумли касалликларни даволашни такомиллаштириш учун 9,6 млрд.сўм, ОИВ инфекциясига тарқалишига қарши курашиш учун 143 млрд.сўм, Оналик ва болалаикни ҳимоя қилиш учун 98,4 млрд.сўм, скрининг марказларини тегишли тадқиқотлар учун зарур материаллар ва реагентлар билан таъминлашга 78 млрд.сўм, заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказишга 56,5 млрд.сўм, протез-ортопедик буюмлар билан таъминлашга 32,3 млрд. сўм харажатлар республика бюджети улушида ўз аксини топган.


Шунингдек, маданият ва спорт, фан, ижтимоий ҳимоя соҳаларининг республика даражадаги харажатлари 2017-2023 йилларда салмоқли улушга эга бўлган.

Давлат бюджетининг инвестиция харажатлари ўсиш сураъти йилдан йилга ошиб бориб давлат бюджети улушида 2017 йилда 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 17 фоизни ташкил этган, шу давр мобайнида қарийб 9 бароварга ўсган. Барча харажатлар давлат инвестиция дастури дорисида амалга оширилган бўлиб биргина 2023 йилда 13786 та объектда 23987 млрд.сўм маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқларига асосан, ижтимоий соҳа, сув хўжалиги, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ишларига, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 6,5 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар қўшимча йўналтирилди. Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш тадбирлари доирасида 5432 та объектга 6 286,6 млрд. сўм, 2343 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун 9876,2 млрд.сўм, Арзон уй-жойларни қурилишини молиялаштириш 7654,1 млрд. сўм, ҳамда қўшимча равишда Инвестиция дастурига 876 та ижтимоий соҳа объектларига қурилиш-тиклаш ишлари учун қўшимча 4532,4 млрд. сўм республика бюджети маблағлари ажратилган.

Таҳлилларни тадқиқот объекти ва предмети бўйича давом эттираемиз. Хусусан, Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетдан давлат инвестиция дастури доирасидаги лойиҳалар ва уларни молдиялаштириш амалиётини тадқиқ қилаемиз.

1-расм маълумотларида келтирилишича, республиканинг жанубий ҳудуди Қашқадарё вилоятида 2017 йилда 145 та лойиҳа умумий қиймати 175,9 млн.



1-расм. Қашқадарё вилоятида амалга оширилган давлат инвестиция дастури бўйича лойиҳалар ва уларнинг миқдорининг ўсиш динамикаси⁵

5 Муаллиф ишланмаси (Сурхондарё вилояти молия бошқармаси Ҳисобот маълумотлари асосида).

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида амалга оширилган давлат инвестиция дастури доирасида ижтимоий соҳа лойиҳалар ва уларнинг миқдорининг ўсиш динамикаси⁶

№	ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ЙЎНАЛИШИ НОМИ	2018 й.		2019 й.		2020 й.		2021 й.		2022 й.		2023 й.	
		СОНИ	МЛРД. СЎМ	СОНИ	МЛРД. СЎМ	СОНИ	МЛРД. СЎМ	СОНИ	МЛРД. СЎМ	СОНИ	МЛРД. СЎМ	СОНИ	МЛРД. СЎМ
		62	70,5	107		89		162	298,3	89	292,4	111	
1	Умумий ўрта таълим мактаблари	40	29,6	23	24,3	45	49,7	103	110,1	39	119,5	63	
	Янги қурилиш	2	4,9			2	8,2	2	7,8	2	30,9	3	87,2
	Реконструкция	29	19,5	7	13,4	39	35,7	73	73,3	27	71,3	55	
	Капитал таъмирлаш	9	5,2	16	10,9	4	5,8	28	29	10	17,3	5	15,2
2	Мактабгача таълим муассасалари	0	-	47	44,8	22	74	39	134,3	34	117,2	26	96,8
	Янги қурилиш					1	19,2		-	5	25,2	7	29,1
	Реконструкция			34	33,8	21	54,8	49	125,8	29	91,9	19	67,8
	Капитал таъмирлаш			13	10,9			8	8,5	0	-	0	-
3	Касб-ҳунар коллежлари	9	9,4	19	24,4	1	24,9	2	8,1	0	-	0	-
	Янги қурилиш									0	-	0	-
	Реконструкция	2	4,4	2	13	1	24,9	2	8,1	0	-	0	-
	Капитал таъмирлаш	7	5	17	11,4					0	-	0	-
4	Соғлиқни сақлаш муассасалари	13	31,4	18	44,9	21	94,9	18	45,8	16	55,7	22	
	Янги қурилиш									8	12,3	0	0
	Реконструкция	13	31,4	18	44,9	21	94,9	14	42,6	7	4,3	22	
	Капитал таъмирлаш							4	3,2	1	0,09		0

⁶ Муаллиф ишланмаси (Қашқадарё вилояти молия бошқармаси Ўйибот маълумотлари асосида).

сўмга амалга оширилган, 2023 йилда 170 та лойиҳа 451,3 млн.сўмга, 2023 йилда 94 та лойиҳа 422,1 млн.сўмга, амалга оширилган. Умуман олганда, 2023 йилда 2017 йилга нисбатан лойиҳалар сони пасайиши кузатилган, лекин маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағ суммаси 2,5 бароварга ошган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 2023 йилда 2017 йилга нисбатан давлат инвестиция дастурлари бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг асосий харажат қурилиш материалларига сарфланган маблағлар бўлиб, “2017 йилда 55,3 млн. доллар қурилиш маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2023 йилда ўтган йили бу кўрсаткич 257 млн долларга етказилди ва ўсиш 4,6 баробарни ташкил қилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида 28,9 млн долларлик цемент, 19 млн долларлик алюмин ва ПВХ профилилар, 14,2 млн долларлик керамик плитка, 12,8 млн долларлик қуруқ қурилиш аралашмалари, 7,7 млн долларлик оҳак, 7,1 млн долларлик гипсокартон, 3,5 млн долларлик обой каби қурилиш материалларининг экспорти амалга оширилган. Экспорт қилинган анъанавий бозорлар Қозоғистон (керамик плиткалар, оҳак, гипсокартон, иссиқлик сақловчи шиша момиғи(стекловолокно) ва бошқа маҳсулотлар), Қирғизистон (керамик плиткалар, безакли ойна, оҳак ва бошқа маҳсулотлар), Туркманистон (гипсокартон, гипс, ленолеум, лак-бўёқ, қоғоз маҳсулотлари), Афғонистон (гипсокартон, гипс, банка ва бутилкалар) каби мамлакатлар ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти бўйича давлат инвестиция дастури доирасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ва сарфланган маблағлар ижтимоий соҳа объектлари улуши юқори бўлган. Буни қуйидаги 1-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

Келтирилган 1-жадвал маълумотлари асосида, ижтимоий соҳа объектлари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, асосий умумий ўрта таълим мактаблари улушига тўғри келиб, реконструкция ва капитал таъмирлашга маблағлар йўналтирилган. Жумладан, таҳлил қилинаётган 2018 йилда 40 та лойиҳа 29,6 млрд.сўмга амалга оширилган бўлса, шундан 19,5 млрд.сўмга 29 та объект реконструкция қилинган, 9 та объект 5,2 млрд.сўмга капитал таъмирланган, 2 та объект 4,9 млрд.сўмга янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган. 2019 йилда 23 та лойиҳа 24,3 млрд.сўмга амалга оширилган бўлиб, шундан реконструкцияга 7 та объект 13,4 млрд.

сўмга, капитал таъмирлашга 16 та объект 10,9 млрд.сўмга бажарилган. 2020 молия йилида 2019 йилга нисбатан мактаблар бўйича лойиҳалар сони 22 та ортиб умумий қиймати 49,7 млрд.сўмдан иборат 45 тани ташкил қилган. Шундан 2 та янги мактаб 8,2 млрд.сўмга қурилган, 39 та мактаб 34,7 млрд.сўмга реконструкция қилинган, 4 та мактаб 5,8 млрд.сўмга капитал таъмирланган. 2021 йилга келиб умумий ўрта таълим мактаблари бўйича давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар 103 тани ташкил қилиб, 110,1 млрд.сўм маблағ йўналтирилган.

Муаллиф ҳақида / Сведения об авторе / Author details

1. **Фаррух Абраев - Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси магистранти / Фаррух Абраев - Магистрант Банковско-Финансовой Академии Республики Узбекистан. / Farrux Abraev - Master's student at the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan.**
 - fabrayev@inbox.ru
 - <https://orcid.org/>

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1]. <https://adbi.us12.listmanage.com/track/click?u=7300634262c7cc5dc58dcd5e3&id=5e64c53c34&e=bbb935aa1>
- [2]. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент, 2017. <https://president.uz/uz/lists/view/187>
- [3]. Ўлмасов А. Иқтисодиёт (қонун-қоидалар ва тартиб тамойиллар): Оммавий қўлланма. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017. Б.9/224.
- [4]. (фр. Pierre-Joseph Proudhon) (15.01.1809-19.011865). Француз сиёсатчиси, публицисти, иқтисодчиси, файласуф -мютюэлисти ва социологи бўлган.
- [5]. Жан-Батист Сэй (5.01.1767-15.11.1832) – франциз иқтисодчи олими, сиёсий иқтисод классик мактаби вакили.
- [6]. Абдулла Авлоний Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”. – Т.: 1992. – Б.33
- [7]. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент. 2007. – Б.160 .